



Абай ғалсафаси – юракларга ёзду, маърифатга йўл

Жаҳон тамаддуни тарихида номлари миллатлар тақдири, маънавият ва маърифат билан уйғунлашган зиёли шахслар борки, улар қалами, сўзи ва фикри юртлар тақдирини белгиллаган, халқлар қалбида миллат ифтихорига айланган. Ана шундай жаҳон тамаддунига ҳисса қўшган мутафаккирлардан бири – буюк мутафаккир ва маърифатпарвар Абай Қунанбаевдир.

Бу йил, 2025 йилда, Абай Қунанбаев таваллудининг 180 йиллиги нафақат Қозоғистонда, балки дунё миқёсида, қозоқ диаспораси ва Қозоғистон билан маданий алоқалар боғлаган мамлакатларда ҳам кенг нишонланмоқда. Зеро, Абай сўзи нафақат бир халқнинг ҳикмати, балки бутун инсоният учун умумий маърифат манбаи, қалб тарбияси, руҳий қўлланма ҳисобланади.

Абайнинг нодир мероси нафақат миллий адабиётга, балки умуминсоний ғалсафа ва маънавий камолотга дахлдор. У ёзган фикрлар, ҳикматлар, насихатлар юз йиллардан буён ёш қари учун маънавий озуқа бўлиб келмоқда. Абай сўзида ақл билан қалб, илм билан виждон, ватанпарварлик билан инсонпарварлик ҳамоҳанг янграйди.

АБАЙ КУНИ – МАЪНАВИЯТ БАЙРАМИ

Маълумки, 2020 йилдан буён Қозоғистонда расман 10 август – Абай кuni сифатида нишонланади. Бу сана буюк мутафаккирнинг туғилган кuni муносабати билан жорий этилган бўлиб, Қозоғистондаги маънавий-маърифий ҳаётда янги саҳифа очди.

Ана шу ташаббуснинг мантикий давоми сифатида, 2025 йилда Абайнинг 180 йиллик юбилеи муносабати билан нафақат Қозоғистоннинг барча ҳудудларида, балки хорижий мамлакатларда ҳам тантанали тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Франция пойтахти Париж шаҳрида Абай хотирасига бағишланган хотира кечаси ўтди. Бу тадбир нафақат француз жамоатчилиги ва қозоқ диаспораси учун, балки бутун Евроосиё маданий алоқалари учун ҳам муҳим воқеалика айланди.

Парижда ўтган ушбу тантанали кечада Абайнинг шеърлари ўқилди, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маърузалар тингланди. Шунингдек, кўшиқлар куйланди, саҳна кўринишлари намойиш этилди. Абай руҳи, Абай каломи, Абай ҳикматлари сўзда ҳам, мусиқада ҳам, қалбларда ҳам янграйди.

АБАЙ – МАЪНАВИЯТ ТИМСОЛИ

Абайни қозоқ халқининг буюк оқини сифатида эътироф этишдан ташқари, уни жаҳон миқёсидаги фикр соҳибларидан бири деб тан олишимиз керак. Унинг насрий маърузалари, шеърлари ва энг муҳими – “Насихатлар”и жаҳон ақл-идрок хазинасининг ажралмас қисмига айланди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Носир Фозилов томонидан ўзбек тилига таржима этилган ушбу беназир асар орқали Абай нафақат қозоқ халқи, балки туркий оламнинг ҳам маънавий қомуси сифатида хизмат қилмоқда.

Абай насихатларининг ҳар бир сатри – қалбларга йўл топадиган ҳас сўзидир. У инсонни зоҳирдан ботинга, нафсдан нурга олиб чиқади.

Абай Қунанбаев ўз асарларида миллатнинг камолотини илм, ахлоқ ва адолатда деб билади. Жумладан, у “Насихатлар”ининг “Ўттиз иккинчи сўз”ида “Агар ҳар бир ҳаракатинг туфайли ҳақиқатга эриша оладиган бўлсанг, бу йўлдан қайтма, қатъий тур! Ахир, ўзинг шубҳа қилган гапга ўзгалар қандай ишонсин? Ўзинг ҳурмат қилмаган нарсани ўзгалар нега ҳурмат қилсин?”

Илм ўрганиш учун одамда яна икки жиҳат бўлиши лозим: бири – мулоҳаза юритиш, иккинчиси эса – фикрингни далиллай олиш. Бу икки хусусиятни борган сари кучайтира бориш керак. Бу нарсаси кучаймай туриб илм ўрганиш қийин. Сўнг ақлга зарар етказувчи зўр салбий жиҳат бор, шулардан эҳтиёт бўлиш керак. Улар орасида беғамлик, бепарволик деган жиҳатлар бор, зинҳор-зинҳор шу нарсадан эҳтиёт бўл! Чунки бу – биринчидан Худонинг, иккинчидан – халқнинг, учинчидан – давлатнинг, тўртинчидан – ибратнинг, бешинчидан – ақлинг, ор-номуснинг душмандир”, деб ёзади. Бу фикрлар бугунги дунёвийлашётган оламда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Абай инсонни пок қалб, эзгу ният ва ақл билан яшашга даъват қилади. Унинг фикрларида миллат тақдири, инсон камолотининг пойдевори, юрт равнақи ҳақидаги мулоҳаза юритилган.

АБАЙ МЕРОСИ ВА ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОН МАЪНАВИЯТИ

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган янгиланиш жараёнлари халқнинг маънавий камолоти билан чамбарчас боғлиқ. Бу йўлда Абай каби мутафаккирларнинг фикрий мероси бебаҳо хазина ҳисобланади.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев таъбири билан айтганда, “маънавият – мустақиллик пойдевори”дир. Демак, маънавиятга таянадиган миллат, Абайнинг насихатларида бош эгадиган халқ – абадий яшайди.

Абай сўзлари — бизга мурожаат, келажакка даъват: “Маърифатсиз юрт – нурсиз уйдир.”

Демак, агар биз Янги Қозоғистонни маърифат асосида барпо этмоқчи бўлсак, Абай каби руҳий-маънавий устозларнинг меҳварига фикр юритишимиз керак.

Абай ўғитлари – асрлар оша нур сочаётган, қалбларни эзгулик сари бошлаётган маърифат манбаидир. Унинг мероси дунёдаги барча маърифатпарвар инсонлар учун мангу барҳаёт, уларнинг қалбида сўнмас чироқ бўлиб ёнади.

Буюк мутафаккирни ёд этиш – бу шунчаки тарихга назар ташлаш эмас, балки келажакка руҳий йўл очиш демакдир. Чунки Абай сўзида ҳаёт ҳақиқатлари, инсонийлик сабоқлари ва юксак маънавият мужассам.

А. АБДУФАТТОХ.

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 24 июль, пайшанба, №76 (3577).

»» Президент

ҚОЗОҒИСТОН ВА БЕЛЬГИЯ: ДЎСТОНА МУЛОҚОТ ЯНГИ БОСҚИЧДА

**ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ БЕЛЬГИЯ
ҚИРОЛИ ФИЛИППНИ МИЛЛИЙ
БАЙРАМ БИЛАН САМИМИЙ
ТАБРИКЛАДИ**

Қозоғистон ва Бельгия ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталари нафақат сиёсий ёки иқтисодий ҳамкорлик доирасида, балки олий даражадаги самимий табрик ва тилаклар орқали ҳам намоён бўлиб келмоқда. Шу маънода, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев томонидан Бельгия Қироли Филипп номига йўланган табриги икки мамлакат ўртасидаги мустақам дипломатик муносабатларнинг яна бир тасдиғи бўлди.

Давлат раҳбари Қирол Филиппни Бельгиянинг миллий байрами – мамлакат мустақиллиги ва ягона халқ иродаси ифодаси бўлган шукуҳли сана билан чин қалбдан муборакбод этди. Байрам муносабати билан Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев ўз табригида Бельгия халқининг тарихий мероси ва маънавий бирдамлиги, демократияга содиқлиги ва мустақилликка бўлган қатъий интилиши юксак эътирофга лойиқ эканини алоҳида қайд этди. “Бельгия халқи ўзининг бой тарихи, маънавий қадриятлари ва тенглик, адолат каби

умуминсоний ғояларга садоқати билан дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин тутди”, дейилади Президент табрикномасида.

Қозоғистон Президенти Қирол Филиппга шахсий фаолиятида муваффақиятлар, Бельгия халқиға эса тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилаб, икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар изчил равнақ топаверишини тилади.

**Akorda.kz сайти
маълумотлари
асосида.**



ТУРКИСТОНГА ЙЎЛ: ДЎСТОНА МУҲИТ ВА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ

Юртимизда сайёҳлик нафақат иқтисодий соҳа, балки миллий қадрият, меҳмондўстлик ва замонавий ислохотлар ифодасига айланиб бормоқда. Туркистон вилояти бу борада Қозоғистоннинг юраги, маънавият ва маданият маркази сифатида илғор минтақалардан бирига айлангани бежиз эмас.

Бугунги кунда Туркистон шаҳри ва вилоятда сайёҳлар учун яратилаётган шароитлар, хавфсизлик чораларининг кучайтирилаётгани ва тозалик борасидаги ҳаракатларнинг мунтазам амалга оширилаётгани нафақат минтақа раҳбариятининг, балки бутун мамлакатнинг замонавий, тинч ва қулай Қозоғистон нуфузини яратишга қўшаётган ҳиссасидир.

САЙЁҲЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров раҳбарлигида ўтказилган навбатдаги девон мажлисида сайёҳлик масканларида хавфсизлик ва санитария масалалари атрофида муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари томонидан шаҳар ва туманлардаги сув иншоотлариға махсус белгилар ўрнатиш, сузиш мумкин бўлмаган ҳудудларни қатъий назоратға олиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

– Туризм – вилоят тараққиётининг асосий устуни. Сифатли хизмат, хавфсизлик ва тозалик – сайёҳлар учун биринчи навбатдаги талаб. Шу боис ҳар бир масъул идора ўз зиммасидаги вазифаға жиддий ёндашиши шарт, – деди вилоят ҳокими.

Бугунги кунда вилоятимизда 245та меҳмонхона, 298та дам олиш маскани ва 117та даволаш-соғломлаштириш маркази фаолият юритмоқда. Хусусан, ёзги мавсумда “Шар-

дара” сув омбори, Балиқти кўли ва “Сайрам-Ўғам” миллий табиий боғига ташриф буюрувчи сайёҳлар сони кескин ортган. Бу эса, албатта, ҳудуднинг табиий жозибаси ва хизмат сифатининг юксалиб бораётганидан далолатдир.

Айни пайтда 27та расмий сузиш ҳудудлари мавжуд. Хавфли деб топилган 111 жойға махсус огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилган. Аммо хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шу боис, назорат ишлари янада кучайтирилмоқда.

“ТОЗА ҚОЗОҒИСТОН” – ЮКСАК МАДАНИЯТ ИФОДАСИ

Туризм нафақат дам олиш, балки юрт ҳақида тасаввур уйғотувчи маданий кўзғудир. Шу боис, вилоятда санитария, тозалик, яшил муҳит ва экологик маданиятни таъминлаш борасида “Тоза Қозоғистон” дастури доирасида мунтазам иш олиб борилмоқда. Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимликларига сайёҳлик

масканларидаги тозаликни назорат қилиш юзасидан аниқ вазифалар юклатилган.

ТУРИЗМ – ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

Сайёҳлик – бу нафақат иқтисодий тараққиёт, балки мамлакат нуфузи, халқаро муносабатлар ва маданиятлар мулоқотининг ёрқин ифодасидир. Туркистонда бу йўналишда амалга оширилган ҳар бир саъй-ҳаракат – меҳмон кутувчи уй соҳибининг самимиятини ифодалайди.

Вилоят ҳокимлиги мажлисида инфратузилмани яхшилаш, соҳани кластер усулида ривожлантириш, сайёҳларға қулайлик яратиш ва хавфсизлик талабларини кучайтириш юзасида аниқ вазифалар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Туркистон вилояти нафақат ажойиб табиат, балки халқ қалбининг зиёси, қадим тарих ва замонавий тараққиёт уйғунлашган гўша сифатида ўз сайёҳларини доимо очиқ қалб билан қарши олишда давом этади.

А. БЎРОНБОЕВ.

ҚОЗОҒИСТОН УНИВЕРСИАДАДА ИЛК ОЛТИННИ ҚЎЛГА КИРИТДИ!

САМИРХОН АБУБАКИРОВ – ЁШЛАР ИФТИХОРИ, ЭЛ ҒУРУРИ!

Жаҳон ёшлари иштирок этаётган спорт байрамида Қозоғистон шарафини муносиб ғимоя қилган тазквондочи Самирхон Абубакиров зафар кучди.

Германиянинг Рейн-Рур шаҳрида 16 июлдан буён давом этаётган Жаҳон ёзги Универсиадасида Самирхон финалда туркиялик рақибини мағлубиятға учратиб, Қозоғистон терма жамоасига биринчи олтин медални тақдим этди.

Бу ғалаба нафақат спорт тарихимизда муҳим воқеа, балки ёшларимизға ишонч ва илҳом бағишловчи юксак зафар бўлди. Самирхон 67 килограмм вазн тоифасида майдонға чиқиб, ирода, жасорат ва юрак амри билан курашда ўз устунлигини исботлади.

Айтиш жоиз, шу пайтға қадар Қозоғистон терма жамоаси бта бронза

медали билан жамғармада ўз ўрнига эга эди. Самирхоннинг зафарли юриши эса бу медаллар қаторида олтиндек порлаган муносиб муқофотға айланди.

27 июлға қадар давом этадиган ушбу нуфузли мусобақада юртимиз шарафини 76 нафар спортчи ғимоя қилмоқда. Улар 12 йўналиш бўйича бахсларға киришган.

Олға, юрт фарзандлари! Байроғимиз кўкларда, рухимиз баланд, ғалабаларимиз бардавом бўлсин!

**“Жанубий Қозоғистон”
муҳбири.**



САЙЁҲЛИК ВА САНОАТ – ЧОРДАРАНИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ



Вилоятимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон фаровонлиги, иқтисодий барқарорлик ва экологик хавфсизлиكنи таъминлашга қаратилган. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеровнинг Чордара туманига навбатдаги хизмат сафари айнан шу мақсадларнинг амалий ифодаси бўлди.

ИЧИМЛИ СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ

Ҳозирги кунда аҳолини тоза ичимли сув билан барқарор таъминлаш давлат сиёсати-нинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсад-да вилоят ҳокими Арис, Келес, Қазигурт, Ўтрор ва Чордара ту-манларидаги каналлар ҳамда сув иншоотларининг ҳолатини тикучокдан назорат қилди.

Чордара туманида амалга оширилаётган ишлар қаторида янги дренаж қудуқлар қазиш, ер ости сувларидан фойдала-ниш, асосий сув тармоқларига махсус тозалаш қурилмалари ўрнатиш каби чоралар ҳам бор. Бу орқали 30 мингдан ор-тиқ аҳолини барқарор ичимли сув билан таъминлаш режа-лаштирилган.

ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ – ЯНГИ БОСҚИЧДА

Худудда иқтисодиётни ранг-баранглаштириш, қишлоқ хў-жалиги маҳсулотларини қайта

лишни тақиқловчи белгилар ўрнатилган. Қонунбузарлик ҳо-латлари бўйича эса 36та маъ-мурий баённома расмийлаш-тирилиб, айрим иншоотларга жарималар солинди.

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ОРТМОҚДА

Вилоятимизда ички ва таш-қи сайёҳлик салоҳияти ортиб бормоқда. Жорий йилнинг 5 ойида 424 минг сайёҳ минта-қага ташриф буюрган бўлса, табиий ҳудудларга борганлар сони икки баравар кўпайиб, 58 минг нафарга етди. “Е-қонақ” ахборот тизимига кўра, 18 699 хорижий сайёҳ Туркистонда меҳмон бўлган. Уларнинг асо-сий қисми Ўзбекистон, Туркия, Россия, Хитой ва Қирғизистон-дан.

Мухтасар қилиб айтганда, Чордарада амалга ошири-лаётган сув таъминоти, саноат тараққиёти ва сайёҳлик соҳа-сидаги ишлар нафақат аҳоли турмуш сифатига, балки бутун вилоятнинг иқтисодий юкса-лишига хизмат қилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар давлат сиё-сатидаги “Инсон – жамият – давлат” тамойилининг амалий ифодасидир.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИ БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИДА БЕПУЛ ОВҚАТЛАНТИРИЛАДИ

KAZINFORM. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати янги қарор қабул қилди. Унга мувофиқ, кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандлари болалар боғчасида бериладиган овқат учун тўловдан озод этилади. Бу ҳақ-да “Kazinform” ахборот агентлиги маълум қилди.

Қарорга кўра, манзилли ижтимоий ёрдам (МИЁ) олиш ҳуқуқига эга бўлган кўп болали оилалар фарзандлари, шу-нингдек, даромади ҳаёт учун энг зарур эҳтиёж даражасидан ҳам паст бўлган, аммо давлат-

дан расмий манзилли ижти-моий ёрдам олмайдиган оила-лар фарзандларига болалар боғчасида овқат тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилади. Бу маблағ маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади.

Шунингдек, қарорда таълим давомида ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби ҳам белги-ланди. Энди таълим муасса-салари ёки давлат идоралари томонидан, тегишли ариза ва ҳужжатлар асосида болалар уйларида тарбияланган, шу-нингдек, ота-она қаровисиз қолган болалар вояга етгани-дан сўнг ҳам давлат ёрдами билан таъминланади.

Мазкур қарор 2025 йил 14 июлдан кучга кирди.

ЮРТГА БОҒЛАНГАН ЮРАК

дейди лавҳамиз қахрамони Ўқтамжон Умаров. У 1971 йили табиати мафтун-кор, ободлиги ва меҳнатсевар одамла-ри билан машхур Ёрғоллик қишлоғида дунёга келган. Болалик чоғларидаёқ у ўз юртига меҳр қўйди, заминнинг ҳар бир нафаси, тупроқнинг ҳар бир зирраси унга чексиз қадрли эди. Киров номидаги ўрта мактабни, сўнг трак-торчиларга мўлжалланган курсларни тамомлаб, Москва шаҳрида армия сафида хизмат қилди. Қайтиб келгач, меҳнат майдонига қадам қўйди. Ана шу пайтдан эътиборан у нафақат тех-никанинг билимдони, балки ерга му-ҳаббатни билан танилган ҳалол деҳдон сифатида камол топди.

Ўқтамжон учун трактор – шунчаки иш қуроли эмас, балки ишончли ёр-дамчи, оғир-енгил кунлардан ҳамроҳ маҳбуб бир дўст каби. Қишлоқ хў-жалигидаги ишларнинг узлуксиз ва самарали бўлиши унинг маҳоратли бошқарувига боғлиқ. У бир вақтлар ту-

ғонлар ёқасида, тошлар бағрида, йўл-сиз жойларда ҳам техникани ҳеч ши-каст етказмай бошқара оларди. Унинг ҳаракатларида етуклик, кўнглида эса юксак масъулият муккасман эди.

Ўқтамжон Қиём ўғли дала ишларини сидқидилдан, жонқуярлик билан адо этади, ҳар бир ишга виждонан ёнда-шади. Юзлаб гектар ерни ҳайдаш, уруғ сочиш, ҳосил йғиш каби оғир ва масъулиятли вазифаларни у шижоат билан амалга оширади. Унинг юрагида меҳнатга, юртга ва ерга муҳаббат ти-нимсиз уфуриб туради.

Ҳар йили навбатдаги мавсумга тайёргарлик бошланиши билан у ти-нин билмайди, техникани таъмирлаш-га киришади.

КАМТАРЛИК ВА ШАРАФ

Ўқтамжон Қиём ўғли кўп йиллик меҳнати, юксак инсонийлик фазилати билан қишлоқ аҳлининг юрагига кириб



улгурган инсон. Унинг ҳаёти мисоли-да биз эл фидойиси қандай бўлиши кераклигини кўрамыз. Номин, эҳтимол, газеталар саҳифасида катта сарлавҳа билан чиқмагандир. Лекин у эл ора-сида – меҳнатда, ҳалолликда, сами-мийликда элгина эмас, келажақ авлод учун ҳам ибрат бўладиган инсон. Ў. Умаров кўплаб совринлар соҳибидир.

У фидокор ишчи сифатида туман даражасида бир неча бор рағбатлан-тирилган, халқ эътиборига сазовор бўлган. Аммо у бу мукофотлардан кўра, сахарги дала ҳавосини, трактор товуши остида чиқадиган кунни кўпроқ қадрлайди. Унингча, энг катта муко-фот – халқ хизматига бўлиш, юртга манфаат келтириш.



“Дўстлик қарвони” – Келес туманида

Қозоғистон халқи Ассамблеяси – бу шунчаки тузилма эмас, бу миллатлар ҳамжиҳатлигини сақлаб қолиш йўлида қурилган мустаҳкам кўприк, юракдан юракка ўтиб, ягона мамлакат, ягона тақдир атрофида бирлашган халқнинг рамзий уйдир. Эзгулик йўлида хизмат қилаётган ушбу ташкилот ўзи-нинг 30 йиллик шарафли йўлини босиб ўтди.



Шу муносабат билан мам-лакат бўйлаб ўтказилаётган тадбирлар бир ғояга – юрт тинчлиги, миллатлараро тотув-лик ва ёш авлоднинг маънавий юксалишига хизмат қилмоқда. Айниқса, вилоятимизда бош-ланган тадбирлар силсиласи юртдошларимизни янада бир-лаштириб, дўстлик ва тотувлик туйғуларини мустаҳкамлади.

АБАЙГА МУҲАББАТ – ЭЛГА МУҲАББАТ

Қозоғистон халқи Ассамб-леяси ҳамда Абай Қунанбайу-лининг таваллудига бағишлан-ган “Абай ўқишлари” эса Абай юртида муқаддас Жидебайда ўтди. Унда мамлакатнинг турли бурчакларидан келган этнос ёшлари иштирок этди. Улар Абай ва Шакарим қабрларини зиёрат қилиш орқали миллий маънавият, тарихий мерос ва руҳий камолотдан озуқа олди-лар.



лашмаларининг халқ билан юзма-юз мулоқотини ташкил этиш, ёшлар ва жамоат таш-килотлари ўртасида етакчилик маданиятини мустаҳкамлаш, миллатлараро келишмовчилик-ларнинг олдини олиш, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳити-ни шакллантиришдир.

Тадбирда Ассамблеянинг журналистлар клуби раҳба-ри Ерсултан Амирбек, медиа-тор Жулдиз Ўтегенова каби фаоллар сўзга чиқиб, дўстлик, тотувлик ва бағрикенглик ҳа-қида маъруза қилдилар. Этнос вакиллари, оқсоқоллар, она-лар кенгаши аъзолари, ёшлар – барча ягона ғоя атрофида жипсلاшди. Бу – халқнинг ру-хий қувватини, бирдамликдаги

Туркистон вилоятидан ишти-рок этган Нодиржон Ҳасантоев ўз таассуротларини шундай изоҳлади:

“Абайнинг фикр теранлиги, ҳикматларидаги маънавият – бугунги ёшлар учун меҳробдек. Биз бу ерда нафақат билим олдиқ, балки бутун Қозоғистон бўйлаб дўстлар ортирдик.”

Бу сўзлар ёшлар қалбида миллий ифтихор, маънавий етуклик қандай уйғониб бораёт-ганидан далолат беради.

ИБРАТ МАКТАБИ – НУТҚ ВА ЕТАКЧИЛИК

Туркистон шаҳридаги “Дўст-лик уйида” ташкил этилган “Етакчилик ва омма олдида гапириш” мавзuidaги семинар

эса ёшларнинг ижтимоий ва салоҳият жиҳатдан камол топи-шига йўналтирилди. Тадбирда тажрибали устоз-муаллимлар, руҳшунослар, медиаторлар иштирок этиб, омма олдидаги нотиклик, етакчилик қобилият-лари ҳақида фикр алмашдилар.

Асосий мақсад – жамиятда фаол ва масъулиятли ёшлар сафини кенгайтириш эди. Се-минарда сўзга чиққан Ақбўта Мирзаханова, Жансая Шўра-бекова, Қайрат Салиқбаев син-гари мутахассислар ҳаётий мисоллар билан маъруза қил-дилар.

ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бу тадбирлар орасидан ўз-бекистонлик талабалар ва ус-тозларнинг “Дўстлик уйига” ташрифи ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Тошкент иқтисо-диёт ва муаллимлар универ-ситети вакиллари “Яссавий туркшунослик ёзги мактаби” доирасида Туркистон шаҳрида бўлиб, Х. А. Яссавий номидаги ХҚТУ, музейлар ва “Дўстлик уйи” фаолияти билан яқиндан танишишди.

Қардош халқларнинг бундай мулоқоти нафақат академик, балки маънавий-маърифий ҳамкорлиқнинг ёрқин ифода-

сидир. Туркий олам илмий-ма-данний ва таълимий алоқалар орқали янада мустаҳкамлан-моқда.

30 йил – бу тарих. Аммо Ассамблеянинг энг катта юту-ғи – бу миллатлар ўртасидаги асрий дўстлик заминини барпо этиб, қалб ва маънавият билан бирлаштиришдир.

Бугун Қозоғистонда дўстлик қарвони йўлда. Унинг йўли – тинчлик, мақсади – бирлик. Унда Қозоғистонда истиқомат қилаётган ҳар бир миллатнинг орзу-умиди, истиқболи ва бир-дамликка бўлган интилиши мужассам. Ва энг муҳими – бу қарвоннинг йўли ҳали олис, балки абадий.

А. БҮРОНБОВ.

ОИЛА – ИЙМОН БИЛАН ҚУРИЛГАН ҚАЛЪА

Ўқтамжон Умаров ўз умрини нафа-қат меҳнат, балки оилавий масъулият билан бойитган инсон. У ва рафиқаси Ҳилола бир умр елкадош бўлиб, фар-зандлари Одилжон, Орифжон, Шаҳно-за ва Шоҳрузаларни тарбиялаб вояга етказишди. Бу фарзандлар ҳам отала-ри сингари меҳнат ва ҳалоллик билан камол топди. Бугун улар ҳаётда ўз ўрнини топган, эл қорига камарбаста инсонлар сифатида ҳамқишлоқлари эътиборини қозонишган.

ЮРАҚДА ҚОЛГАН ИЗЛАР

Ўқтамжон Умаров – замонамиз қаҳ-рамони. Унинг ҳаёти – барча ёшлар учун ибрат мактаби. Юртга муҳаббат, ишга садоқат ва фидойилик – айнан мана шундай инсонларнинг ҳаёт шио-ри. Улар ҳаётимиз, юртимиз боқийли-гининг пойдевори. Ўқтамжон Умаров сингари инсонлар барчага ибрат – улар орқали биз меҳнатнинг буюкли-гини яна бир бор ҳис қиламиз. Шундай инсонлар бор экан, бу юртнинг нон дастурхони ҳам, келажаги ҳам тўкин ва фаровон бўлади.

С. МИРЗО.
Тўлебий тумани.

Авазхон АБДУФАТТОҲ ўғли.

Шимкент шаҳри,
Сайрам даҳаси,
таниқли суҳандон
Абубакир ХОНХЎЖАЕВга!

Қадрли
Абубакир ХОНХЎЖА ўғли!

Сизни таваллуд айё-
мингиз билан чин дил-
дан қутлаймиз! Сиздек
жонкуяр, миллатпарвар,
ватанпарвар ва эзгуликни
қадрлай оладиган камтар
инсонлар бор экан, санъат ва
маданият равнақ топаверади,
қадриятлар тикланиб, орзулар
қанот ёзаверади.

Узоқ йиллар фарзандлар, неваралар роҳатини кўриш
насиб этсин! Мустақкам соғлик, оилангизга тинчлик-то-
тувлик, баракот тилаймиз!

ТАҲРИРИЯТ.

»»» Обуначиларимиз орасида

ИНТИМОҚДАГИ “ТӨСКЕЙСАЗ”ДА



Саврон тумани Интимоқ қишлоғи ЎЭМБ раиси, фаол обу-
начимиз Абдуҳамид Олимжон ўғли “Оталар чойхонаси”нинг
навбатдаги анжумани вилоят марказий автовокзал биноси
ёнидаги “ТӨСКЕЙСАЗ” тамаддиҳонасида Саврон тумани,
Кентов ва Туркистон шаҳри фаоллари, “Жанубий Қозоғистон”
газетасининг жамоатчи обуначиларини ҳамқишлоқлари билан
хурмат ва эҳтиром ила қутиб оладиганлигини яна бир қарра
муштарийларимиз ёдига солади.

Тадбир 31 июль, пайшанба куни эрталаб соат 9.00да бошла-
нади. Давлатимизнинг тинчлик, тотувлик сиёсати, эл бирлиги,
маданиятимиз, маънавиятимиз ва қадрдон “Жанубий Қозоғис-
тон” нашри мавзuidaги файзли суҳбатларга чорлаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвирда: А. Умаров “ТӨСКЕЙСАЗ” олдида.
Муаллиф тасвири.



Юртимизга асад кирди

Ўзбекча – арслон, форсча – шер, арабча – асад.
Муддати 21 июлдан 21 августгача.
Шу муддат оралиғида тутилганлар
бурж ҳисобида АСАДдир.

АСАД 12 буржнинг 5-юлдуз туркуми, белгиси IR. 4та энг рав-
шан юлдуз ҳосил қилган трапеция орқали уни осонгина топиш
мумкин. Улардан бири Регул 1,3-катталидаги зангори юлдуз.
Қиш ва баҳорда ўрта кенгликларда осмоннинг жанубий қисми-
да кўриниб туради.

Наврўзнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланадиган шам-
сий тақвим (календар)нинг 5-ойи номи; 21 июлдан 21 августгача
давом этади.

Асад кириши билан об-ҳавода муайян ўзгаришлар юз бе-
ради. Асад яхши келган йиллари ўртача ҳарорат саратонда-
гига нисбатан атиги 2-4 даража паст бўлади. Баъзи йилларда
Асад чиқишидан 4-6 кун олдин албатта, кучли шамол эсиши
ва дурустгина ёғингарчиликлар бўлиши мумкин. Асад ойида
чашмаларда сув камаёди, дарёлар суви аксинча кўпаяди. Қуш-
лар бирин-кетин иссиқ мамлакатларга учиб кетиш тараддудига
тушади.

Дехқончиликда экинлар асосан, шу ойда ўсиб ривожланади.
“Асад – экиннинг ясаб”, деган халқ мақоли бежиз ишлатилма-
ган.

Жамият ва маърифат

»»» Обуначиларимиз орасида

“ҮЛЕС” ЭЛЛИГИНЧИ УЙНИ ТОПШИРДИ

БЕШ ХОНАЛИ ЯНГИ УЙ
СОҲИБЛАРИ – МЕҲНАТ
ФАҲРИЙСИ А. ЎРИНБАЕВ ВА
УМР ЙЎЛДОШИ Л. АЛИХАН ҚИЗИ
ШАҲАР ҲОКИМИ ВА БАРЧА
ЁРДАМ БЕРГАНЛАРГА САМИМИЙ
МИННАТДОРЧИЛИК
БИЛДИРДИ

Туркистон шаҳрининг Ўртоқ мавзеси Бўсаға
кўчасидаги беш хонали янги 19-сонли уй жума
куни кечқурун жамоат ташкилотлари раҳбар-
лари, ОАВ вакиллари, шаҳар ҳокимлигидан
ташриф буюрган масъул мутахассислар билан
гавжум бўлди.



Фаол обуначимиз, вилоят
оқсоқоллар кенгаши аъзоси
Райимжон Қўчқоров раҳбарлик
қилаётган “Үлес” вилоят жамоат
хайрия жамғармаси саъй-ҳа-
ракатлари билан Туркистон,
Кентов, Саврон туманларида
бугунга қадар 49 уй эгаларига
топширилган. Бунёд этилган
50-уйни муҳтож соҳибларига –
Кентов қонида ишлаган меҳнат
фаҳрийси, 88 ёшдаги Абдинаби
Ўринбаев ҳамда умр йўлдоши,
биринчи гуруҳ ногирони Ле-
на Алихан қизига тантанали
топширишга бағишланган тад-
бирга шаҳар ҳокими Азимбек
Пазилбекули ташриф буюрди.

Барча қўлайликлар муҳай-
қилинган, ҳатто томорқасида
ўнта товуғи билан товуқхона
ҳам қурилган ушбу уй қурили-
шига фаол обуначиларимиз,



хусусан, Уйғун Иброҳим ўғ-
ли раҳбарлик қилаётган “ASIA
BREND” мебель корхонаси ҳам
муносиб ҳисса қўшди.

Вилоят оқсоқоллар кенгаши

раиси Жарилқасин Азиретбер-
генов шаҳар ҳокимиға Райим-
жон Қўчқоров раҳбарлигидаги
“Үлес” ЖТнинг ишчан фаолияти
ҳақида миннатдорчилик би-

САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

ҚР Президенти Қ. Тўқаев ўзининг Қозоғис-
тон халқига Мактубида қайд этганидек, фу-
қароларнинг саломатлиги давлатимизнинг
биринчи бойлигидир. Шу йўлда кенг қам-
ровли ишлар амалга ошириляётганлигини
Саврон тумани маркази Чўрноқ қишлоғида-
ги “Ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази”-
нинг самарали фаолияти мисолида амалда
танишиб, ўз миннатдорчилигимизни изҳор
этмоқчимиз.



Ташкил этилганига кўп вақт
ўтмасада, ушбу муассаса бу
ерга саломатлигини тиклаш
учун ташриф буюраётганлар-
нинг олқишига сазовор бўлмоқ-
да. 14 нафар ходимдан иборат
ушбу жамоада энг аввало, як-
диллик ва аҳиллик кўзга таш-
ланади. Ташриф буюраётган
кекса ёшдаги мижозларни очиқ
чекра, хуштавозелик билан
қарши олишмоқда. Энг аввало,
сизни тиббий кўрикдан ўтказа-
дилар. Сўнг эрталабки гимнас-
тика машқларида қатнашасиз.

Йога, уқалаш, банка қўйиш,
аппарат массажи ва турли мос-
ламалар ёрдамида гимнастика
машқларини бажаргандан сўнг,
мазза қилиб, ўзингизга ёққан
фито чойдан ичасиз. Хоҳловчи-
лар кутубхона ва маданий тад-
бирларда қатнашиши мумкин.
Бу ерда сенсор хона, психоло-
гик тренинг, бильярд, шахмат-
шашка, стол тенниси каби тур-
ли спорт ўйинлар билан банд
бўлиб, тўрт соатлик вақтнинг
қандай ўтганлигини ҳам сезмай
қоласиз.

“Ижтимоий хизмат кўрса-
тиш маркази” кексаларнинг
саломатлигига боғлиқ етти йў-
налишда фаолият юритади-
лар. Бундан кўзланган мақсад
– фаҳрийларнинг жамиятда-
ги ҳаётининг таъминлаш,
бошқалардан ажралиб қолма-
ганлигини сезиш, соғлиқлари-
ни тиклаш, қариш жараёнини
секинлатишга ёрдам бериш,
бўш вақтларини мазмунли ўт-
казишни таъминлаб, улар ҳам
жамиятнинг тўлақонли аъзоси

лан гапириб берди. Туркийлар
олами маънавий пойтахтидаги
фаол оқсоқоллар ташаббуси-
га юксак баҳо берган шаҳар
ҳокими 50-уй сертификатини
хонадон соҳибларига топширар
экан, янги уйга ўз номидан қим-
матбаҳо музлатгич ускунасини
ҳадя қилди.

Ушбу хонадоннинг ўғли Ар-
ман 15-сонли М. Жумабаев
номли мактабнинг 9-синфида
ўқийди. Тадбирда юқорида исм-
лари зикр этилган фаоллар би-
лан бирга фаҳрий оқсоқоллар
Тўлқин Саидмуродов, Тойир Аб-
дувалиев, Ҳусан Убайдуллаев,
Ҳусан Маккамбоевлар шаҳар
ҳокими билан бирга тасмани
тантанали қирқашди. Ноги-
ронлар аравачасидаги Лена
Алихан қизи қўлларини дуога
очиб, оналик фотиҳаси – қу-
вончларини баҳам қўриб келган
барча аҳли яхшиларга самимий
миннатдорчилигини изҳор этди.

Янги уйни оралаб кўрган
меҳмонлар дастурхондан таъм
тотгач, вилоят оқсоқоллари
сардори Жарилқасин Азирет-
бергенов дуои фотиҳа берди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирда
аравачадаги уй соҳибаси қўл-
ларини дуога очиб, миннат-
дорчилигини билдирди; тасма
тантанали қирқилиб, сертифи-
кат тақдим этилди; янги уйнинг
умумий кўриниши.

Муаллиф суратга олган.

Директор – Бош муҳаррир учун Муроджон АБУБАКИРОВ.		Масъул шахслар: <i>Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22</i> <i>Қазигурт – Хуршид ҚЎЧҚОРОВ. +7701-447-37-42</i> <i>Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90</i> <i>Тулкибош – Мунира САЎДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71</i> <i>Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97</i> <i>Келес, Саригонч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82</i> <i>Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97</i>		Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги. ● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳақида далилларини тўғрилиги учун муаллиф- лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган. “ERNURprint” МЧБ босяхонасида chop этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.		МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. +7778-618-39-05. <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i> Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10500 нуска. Бирортом 1666. Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.	
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРӨНБӨЕВ.		Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.		Қозоғистон Республикасида тарқатилади.			